



# Ishonch

2020 йил 17 октябрь • шанба • № 117 (4402)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 октябрь куни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

## Озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини сақлаш масалалари муҳокама қилинди

Озиқ-овқат маҳсулотларининг арзон ва етарлилиги халқ розилигининг асосий омилларидан бири. Буни таъминлаш мақсадида сўнгги 3 йилда озиқ-овқат, чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун 28 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Биргина чорвачилик йўналишида 11 триллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилди.

Бундан ташқари, коронавирус пандемиясининг нарх-навога таъсири инобатга олиниб, жорий йил апрель ойидан бошлаб асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорти божхона тўловларидан озод қилинган.

Лекин шунга қарамай, охириги вақтларда гўшт, тухум, ўсимлик ёғи ва шакар маҳсулотларининг нархи кескин ошди. Дунё бозоридан ўтган 9 ойда ўсимлик ёғи 15 фоизга, Ўзбекистонда эса 26 фоизга ортган. Шакар нархи 5 фоизга камайишига қарамадан, юртимизда 23 фоизга қимматлаган.

Йиғилишда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

– Бугундан барча чораларни кўриб, амалдаги тизимни ўзгартирмасак, эртага қиш ва баҳор ойларида қийин бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-навои арзон қилсак, одамларни, айниқса, кам таъминланганларни рози қила оламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳоқимида ҳудуд аҳолисининг кейинги йил майгача гўшт, тухум, ун, ёғ, шакар, гуруч, картошка, сабзи ва пиёзга бўлган эҳтиёжи, бу маҳсулотларни қачон, қаердан олиш бўйича аниқ ҳисоб-китоб бўлиши кераклиги таъкидланди.

Ҳар бир ҳудудда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича алоҳида жамғармалар ташкил этилиши белгиланди. Ҳудуд раҳбарлари тадбиркорларни жалб қилиб, етишмайдиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларини жамғарма ҳисобидан бошқа жойдан олиб келиш ёки импорт қилишни йўлга қўяди. Бундай тадбиркорлар учун кредит фозининг бир қисми тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қўллаб берилди.

Импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари нархини арзонлаштириш мақсадида йирик хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳаллий биржадаги иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманига республиканинг муайян вилоятини бириктириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари расталари ва дала дўконлари ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Вилоят, туман, шаҳар ҳоқимлари ва сектор раҳбарлари ўз ҳудудда яратилган тизим, бозордаги шарт-шароитлар ва нарх-наво бўйича халққа ҳисобот бериши зарурлиги айтилди.

Видеоселектор йиғилишида вилоятлар ҳоқимлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ойма-ой узлуксиз таъминлаш режалари юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

## ИЛМ-ФАН БАРЧА СОҲАЛАРНИ ФУНДАМЕНТАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АСОС БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.



2 ▶



ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИНING  
ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА  
ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН,  
ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ  
ЮРИТАДИГАН

1092 –

қисқа рақамли  
«Ишонч» телефони –  
«Call-center»ra

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда қасаба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон қасаба уюшмаси Федерациянинг доимий эътиборида!

## Ҳамжиҳатлик ва бирдамлик ифодаси



Сардоба сув омбори билан боғлиқ тошқин натижасида аҳоли яшаш манзилларига етган зарар, озурда кўн-гиллар барча юртдошларимизни чуқур ташвишга солди. Сув босган жойларни тозалаш, қайта тиклаш, одамлар кўнглини кўтариш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан кўмак етиб келди. Орадан 5 ой ўтди. Ҳамжиҳатликда бажарилган меҳнат натижасида кўрган кўзни қувонтирадиган ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Жорий йилнинг 13 октябрида давлатимиз раҳбарининг ушбу ҳудудга ташрифи ўқсик кўнгилларга ёруғлик олиб кирди.

Юз берган фалокат оқибатида 2 минг 211 та хонадон яроқсиз ва 2 минг 499 таси таъмирталаб ҳолатга келган эди. Айтиш мумкинки, оғир вазиятда халқимиз чинакам бирлашди, нималарга қодир эканини яна бир бора намоён этди. Амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида 86 та 5 қаватли уй-жой қад ростлади.

2 ▶



КУН  
НАФАСИ



«Кўксарой» қароргоҳида 16 октябрь куни хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчиларидан ишонч ёрлқларини қабул қилишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги ташаббуслари ва баёлотларини ўз вақтида ва кенг кўламда амалга оширилишини таъминлаш бўйича «Йўл ҳаритаси»нинг 1 ва 5-бандлари ижросини таъминлаш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди.

Самарқанд шаҳрида «Озиқ-овқат хавфсизлиги: Миллий ва глобал омиллар» мавзусидаги II Халқаро конференция ўз ишини бошлади.

Саримсоқпийёз ва тўқсонбости сабзавот етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ташкил этилди.

Тоҳиржон Рапиқов Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари қотибияти мудирини этиб тайинланди.



Бухоро шаҳрида «Автомобилсиз кун» шiori остида пиёда юриш марафони бўлиб ўтди.

Самарқанд шаҳрида «Ипак йўли» халқаро туризм университетининг замонавий биноси тантанали равишда фойдаланишга топширилди.



18 октябрь – Самарқанд шаҳри куни арафасида Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона марказининг реконструкция қилинган замонавий биноси очилди.

Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Андижон вилояти бошқармалари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

Келгуси сонларда ўқинг...

ОДАМ САВДОСИ:  
СОТИЛГАН ТАҚДИРЛАР

МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

БУЮРТМА АЙБЛОВ  
ёхуд адолатнинг  
ТИКЛАНИШИ

# ИЛМ–ФАН БАРЧА СОҲАЛАРНИ ФУНДАМЕНТАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АСОС БЎЛАДИ

❖1 Биринчи объект Мирзо Улуғбек туманидаги Геология фанлари университети бўлди. Давлатимиз раҳбари жорий йил 31 январь куни ушбу янги олий ўқув юрти қурилишига тамал тоши қўйган эди. Бугунга келиб бинолар анча қад кўтариб қолди.

Лойиҳа доирасида 6 та кўп қаватли иморат барпо этилиши ва 4 таси реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Ҳозирги биринчи босқичда ўқув корпуси, Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти, Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Геология музейи бинолари, кутубхона, ётоқхона бунёд этилмоқда.

Президент бу ерга яна келиб, қурилиш ишлари ва режалар билан шахсан танишгани бежиз эмас.

– Илм бизнинг қонимизда, генимизда бор. Бу марказ ҳам учинчи Ренессанс пойдеворларидан бири, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномада ҳамда 31 январь куни илм-фан вакиллари билан учрашувда геология соҳасини ривожлантиришга доир долзарб вазифаларни белгилаб берган эди.

Мамлакатимизда фойдали қазилмаларнинг 70 дан зиёд тури бўйича 2 мингдан ортқ конлар аниқланган. Лекин қазиб олиш ва қайта ишлаш осон бўлган конлар тобора камайиб бораётгани қайд этилган эди.

Янги конлар топиш учун ер қаърининг чуқурроқ қатламларини ўрганиш, мураккаб таркибли конларни ўзлаштириш бўйича соҳага илмий асосланган илгор усуллар ва инновацион технологияларни кенг жорий қилишни замоннинг ўзи тақозо этаётгани таъкидланган эди.

Шу асосда мамлакатимизда янги геология тизими яратилмоқда. Президентимизнинг бу соҳага оид 4 та қарори қабул қилинди.

Жумладан, шу йил 8 июнь куни «Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори имзоланди.

Мазкур университет геология соҳаси эҳтижлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ҳозирги замон талабларига ўўлиқ мослаштириш, илм-фан ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаш, ер ҳақидада фанлар, жумладан, уларнинг фундаментал йўналишлари ҳамда амалиёт ўртасида реал интеграциялашув жараёни учун шарт-шароитлар яратиш, илмий ишонамларни тижоратлаштиришнинг аниқ мезонлари ва самарали механизмларини жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Яъни, Геология фанлари университети соҳадаги илмий муассасаларни жамлаган яхлит мажмуа бўлади. Унинг таркибига 4 та илмий-тадқиқот институти кирган. Илгари улар тарқоқ жойлашган эди. Шунингдек, бу ерга Ге-

ология музейи кўчириб келинади. Соҳадаги муассасалар бир жойда бўлиши мутахассисларнинг яқин ҳамкорликда ишлаши, талабаларнинг илмий лабораторияларда амалиёт ўташини таъминлайди. Бу эса биноларга хизмат кўрсатиш учун ҳам қулай ва тежамкор.

Давлатимиз раҳбари шу ерда илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари билан суҳбатлашди.

– Илм-фан барча соҳаларни фундаментал ривожлантириш учун асос. Аввалдан эътибор берганимизда, геологиянинг ҳамма йўналишлари бўйича 15-20 фоиз аҳолини иш билан таъминлашимиз мумкин эди. Мана энди олимларга шароит яратишга ҳаракат қилияпмиз, интеллектуал мулкни асраб, қўллаб-қувватлаяпмиз. Интеллектуал мулк унинг эгасига ҳам, давлатга ҳам манфаат келтиради, – деди Президент.

Шавкат Мирзиёев ушбу даргоҳда яратилган шароитлар билан қизиқиб, қурилиш сифатли, лабораториялар юқори технологияли бўлиши кераклигини таъкидлади.

– Замин мустаҳкам бўлиши керак. Биз бу университетни келажақ учун қурапмиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда лойиҳанинг иккинчи босқичи тақдирот қилинди. Бу босқичда Давлат геология қўмитаси биноси, Геология ахборот маркази, Геоинновацион технологиялар маркази, автотураргоҳ барпо этилиши режалаштирилган.

Президентимиз пойтахтимиздаги Дастурий мақсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркида ҳам бўлди.

Мажмуа шоу-румида қурилиши бошланган бинолар, уларда бўладиган шароитлар ҳақида маълумот берилди. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг ўқувчилари иштирокида яратилган дастурий мақсулотлар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманидаги IT-марказда сабоқ олаётган болалар билан видеоконференцалоқа орқали мулоқот қилди.

Мутасаддиларга Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб билан ҳудудлардаги ахборот технология мактаблари интеграциясини таъминлаш, ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқишини тўғри йўналтириб, етук мутахассислар этиб тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Галдаги бунёдкорлик ишларининг бориши кўздан кечирилди.

Мазкур замонавий мажмуа қурилиши ўтган йили 20 ноябрда бошланган эди. Бу ерда босқичма-босқич 17 та иморат, жумладан, 20-25 қаватли офис бинолари, 22 қаватли меҳмонхона, университет, конференция зали, коворкинг маркази ва бошқа объектлар барпо этилди. Иншоотлар 9 балли зилзилага чидамли бўлади. Ер остида 3 қаватли автотураргоҳ қурилади. Мажмуа ҳудудида кафе ва ресторанлар, дўконлар, масжид, спорт майдонлари, дам олиш жойлари ҳам бўлади.

Ушбу IT-парkning дастлабки 2 та биноси



фойдаланишга топширилган. Уларда энг замонавий қулайликлар яратилиб, истиқболли стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган. IT-парк резидентлари сифатида рўйхатдан ўтган корхоналар 2028 йил 1 январга қадар солиқлар ва божхона тўловларидан озод этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Юнусобод туманида барпо этилаётган Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг янги биносини бориб кўрди.

Қурилиш ишлари жорий йил июль ойида бошланган эди. 5 қаватли иккита ўқув корпуси, 8 қаватли маъмурий бино ва 4 қаватли ётоқхона қад кўтармоқда.

Бугунги кунда институтда 5 минг 400 дан зиёд талаба таълим олади. 2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш натижасида 18 та бакалавр таълим йўналиши ва 23 та магистратура мутахассислиги очилди. Бўлғуси қурувчиларга замонавий билим бериш мақсадида «ақлли» уйлар ва шаҳарлар инфратузилмасини лойиҳалаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, иншоотлар зилзилабардошлиги каби янги йўналишлар дастурга киритилди.

Бинолар фойдаланишга топширилгач, талабаларни қабул қилиш қамрови ва таълим сифати ортади.

– Охириги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳаси ривожланди, катта-катта иншоотлар, заводлар, уйлар барпо этилмоқда. Лекин ким лойиҳа қиялпти, ким қурапти, қандай қурапти, деган саволлар кўндаланг турибди. Бу ерда замонавий қурилиш индустриясига мос юқори малакали мутахассислар тайёрланиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари институт ёнидаги 8-автубус саройини ҳам кириб кўрди. Бу автотураргоҳ босқичи жойга кўчириб, замона-

вий шарт-шароитлар яратиб бериш, унинг ўрнида қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот маркази ташкил этиш таклифи билдирилди.

– Бу ҳудуд қурувчилар массиви бўлиши керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Архитектура-қурилиш институтининг мураббийлари, илмий-тадқиқот маркази мутахассислари ва уларнинг оилалари учун ижтимоий объектлар ҳам барпо этилиши айтилди.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизда барпо этилаётган «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ва Давлат хавфсизлик хизмати академиясининг янги бинолари билан танишди.

Мамлакатимизда юксак интеллектуал салоҳиятга, замонавий фикрлаш қобилияти ва дунёқарашга эга, давлатимиз манфаатлари ҳамда суверенитетини фидокорона ҳимоя қилишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 28 июндаги «Усмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан ҳарбий соҳадаги вазирлик ва идоралар таркибида «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейларини ташкил этиш белгиланган эди.

«Темурбеклар мактаби» чинакам ватанпарвар авлодларни камол топтирувчи ҳарбий таълим муассасаси ҳисобланади. Мазкур даргоҳда халқимизнинг маънавий-маърифий қадриятларига содиқ, ҳалол, ватанпарвар, миллий ғурури баланд, буюк аждодларимиз, аввало, Амир Темурнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганган, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позиция-

сига эга ўқувчилар тарбияланади.

Қарорга мувофиқ, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейларини ташкил этиш ва уларнинг ўқув-тарбиявий жараёнини такомиллаштириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. 2020/2021 ўқув йилидан мазкур таълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилинди.

Пойтахтимиздаги «Темурбеклар мактаби»га ҳам танлов асосида 100 нафар, шунингдек, имтиёз асосида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, вафот этган ҳарбий хизматчилар ва кўмакка муҳтож оилаларнинг 10 нафар фарзанди, жами 110 нафар ўқувчи қабул қилинди.

Ўқув даргоҳининг шахсий таркиби ҳам танлов орқали шакллантирилди. Яъни, 660 нафар ўқитувчилар орасидан 21 нафар юқори билимли ва малакали педагог кадрлар танлаб олинди.

Қарордаги устувор вазифаларни амалга ошириш учун илгариги ҳарбий-академик лицейлар ва «Темурбеклар мактаблари» фаолияти ўрганилди. Натижада «Темурбеклар мактаби»га хос ўқув муассасасининг аниқ дастури ишлаб чиқилди. Бунда фанлараро интеграция ва интенсив таълим инobatга олинган бўлиб, бир-бирига узвий боғлиқ фанлар интеграция асосида ўқитилади. Натижада икки йиллик таълим стандартини бир йилда ўзлаштириш кўзда тутилган.

Мактаб икки йиллик бўлиб, она тили ва хорижий тиллар чуқур ўргатилади. Ўқувчилар иккинчи йили мустақил фанларга йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбарига «Темурбеклар мактаби» фаолияти, ўқув жараёни, қурилаётган янги бино ва иншоотлар ҳақида маълумот берилди.

Мактаб учун ўқув корпуси, ётоқхона, ошхона барпо этилмоқда, академиянинг мавжуд бинолари реконструкция қилинмоқда. Мажмуада, шунингдек, жисмоний-ҳарбий машғулотлар майдони, стадион, автодром, плац ва бошқа объектлар бўлади.

Президентимиз мактабда она тили ва тарих фанларидан ташқари, хорижий тилларни мукаммал ўқитиш зарурлигини таъкидлади.

– Бу даргоҳда ҳақиқий ватанпарвар авлод тарбияланиши зарур. Мактабда шундай шароит яратиш керакики, бу ерда таълим олган ёшлар ҳарбий соҳалар кадрлар захирасини тўлдириши лозим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўқувчиларга юртимиз тарихи ва миллий қадриятларимизни чуқур ўргатиш, дарсларга ҳар бир фан бўйича етакчи педагоглари жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

Давлат хавфсизлик хизмати академиясида бугунги замонавий таҳдидларга қарши тура оладиган мутахассис кадрлар тайёрлаш юзасидан тавсиялар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Абдулмузиз МУСАЕВ,  
Матназар ЭЛМУРДОВ,  
ЎЗА мухбирлари

# ҲАМЖИХАТЛИК ВА БИРДАМЛИК ИФОДАСИ

❖1 ҲАВАСГА АРЗИГУЛИК

Мирзаобод туманини «Ҳақиқат» маҳалласида сув тошқинидан зарарланган уй эгалари учун қурилган кўп қаватли бинолар 800 та хонадонга мўлжалланган беш қаватли 40 та уй, жихозланган болалар уйингоҳи, ҳовли этагидаги замонавий иссиқхоналар мўлжалланган кўнглидагидан-да зиёда бўлиб қикди, йўқотишларини тўлдирди.

Шу маҳаллада истиқомат қилаётган Нафиса Мўминова бу ҳақда шундай дейди:

– Ҳаяжонимизнинг чеки йўқ. Шу манзилда кўп йилдан бери яшаганимизга қарамай ўз маҳалламизни танитай қолдик. Давлатимиз раҳбари бизни нафақат уй-жой билан таъминлади, балки кўпчиликни камбағалликдан ҳам халос этди. Янги хонадон, зарурий техника жиҳозлари, тарқатилган чорва мол... Тайёр иссиқхоналар эса бизни иш билан таъминлайди. Янги маҳаллада янгича турмуш тарзини бошладик.

Хонадон соҳибларининг шохидлик беришича, илгари кўп жойларга табиий газ етиб бормаган эди. Айни пайтда янги хонадонларнинг барчасида табиий газ, электр энергияси, ичимлик ва оқова сув таъминоти масалаларига оқилана ечим топилиб, қишлоқ ҳудудида замонавий шаҳарча бунёд этилди. Маҳалла номи ҳам «Янги Ўзбекистон» дея қайта номланди.

Шунингдек, маҳалла гузари, 6 та болалар майдончаси, 1 та йўл қондаси ўқув майдончаси каби маданий объектлар фойдаланишга топширилди.

– Мушкул дамларда ёлғиз қолмаслик, дардди кўпчилик билан енгиш,

ҳал қилишни ҳамма орзу қилади. Вилоятликлар мана шу вазиятнинг бево-сита иштирокчиси ва ғувоҳи бўлишди. Ёлғон-яшиқ ва мактовлардан ҳоли, ҳақиқат учун миннатдорлик, шукроналик лаззатини татиб кўришди. 5 ой ичида амалга оширилган ишлар давлатимиз кудратини исботлайди, – дейди Сирдарё вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – Табиий офатлар дунёнинг қўллаб мамлакатларида юз беради. Бироқ ҳаммасида ҳам талафотни бартараф этишда бир хил натижага эришилаётгани йўқ. Эътиборли хизмати, янги хонадон, маданий ёрдам, янги техникалар билан бирга аввалги ҳовли-жойлари ҳам ўз эгаларида қолдирилди.

## ЭРТАНГИ КУН ИШОНЧИ

Талафот кўрган Оқолтин туманининг «Янги Тошкент» маҳалласи пойтахтлик қурувчилар томонидан қайта тикланди. Бу ерда 130 та коттеж уй буткул таъмирланди, коммуникация тармоғи, аҳоли учун маҳалла гузари, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кутубхона, спорт мажмуалари барпо этилди.

– Уйларимиз таъмирдан чиқарилибгина эмас, шу билан бирга ичимлик суви ва табиий газ берилди. Бу бизнинг кўп йиллик орзумимиз эди. Истеъмолга яроқли сувни топиш мушкул бўлиб, узокдан ташиб ёки сотиб олиб ичар, газ ўрнида ўтин ёқиб, суюлтирилган газ сотиб олардик, – дейди Муқаддас Арақулова. – Қийинчилигимиз ортда қолди. Уша вақтда бизни ёлғиз қўймаган саховатли юртдошларимиз, ғамхўр давлатимизга миннат-

дорлик билдирамыз. Қолаверса, ўзим ишлаётган 5-мактабгача таълим ташкилоти, тармоқ қасаба уюшмаси аъзоларига раҳмат. Кишлоғимиз, маҳалламизни танитай қолдик. Айниқса, пойтахтлик қурувчилар уй таъмирлаш билан бирга ён-атрофини обод қилиш, чин Тошкент кайфиятини беришнинг уддасидан чиқишганини алоҳида таъкидлашни истардим. Машхур Тошкент куранти энди бизнинг маҳаллада ҳам бор. Кўчаларимиз равлонлиги, фарзандларимиз билан сайр қилиш имконини берган майдончалар – буларни биз кўп йиллар орзу қилган эдик. Талофат бошида кўркувимиз кўп бўлди. Ҳамма турли жойга тарқаб кетади, камимиз тўлмайди, деб ўйлаганимиз рост. Шукрлар бўлсинки, уйларимиз чиройли таъмирланиб, яна аҳил кўни-қўшнларимиз билан бирга қолдик.

– Талафот натижасида мактаб, мактабгача таълим ташкилотларини ҳам жиддий зарар кўрган эди. Бугун ўқув даргоҳлари таъмирланди, янги жиҳозлар билан тўлдирилди. Айниқса, қўшимча бинолар, аҳолининг янги уйлари ёнида иккита мактаб қурилиши, ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилиши, оптик интернет таъминоти масаласи ҳал этилгани эртанги кунга ишончимизни янада оширди, – дейди Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Оқолтин тумани кенгаши раиси Раҳматилла Билолов. – Шаҳар қиёфасини олган маҳалла фарзандлари эндиликда сифатли билим ва шаҳарга мос бўлган касбларни эгаллаш учун мактабларимизда шароитлар муҳайё қилинди.

## БУНЁДКОРЛИККА КАМАРБАСТА

Сардобада бунёд этилган янги манзилда аҳоли бандлигини таъминлаш, реал даромадларни ошириш мақсадида «Sardoba textile Oqsaroy Group» корхонаси иш бошлади. Эътиборлиси, нураб ётган жойда жуда қисқа фурсатда опа-сингиллар учун замонавий тикув фабрикаси фаолияти йўлга қўйилди.

– Кўрғончамиздаги муҳит буткул ўзгарди, – дейди корхонада иш бошлаган Мавлуда Тоғаева. – 5 ой аввал ҳолатни кўриб тушқунликка тушган эдим. Бугун аввалгидан замонавий, чинакам шаҳар қиёфасини кўриб кўларимга ишонмаяпман. Ишлаш учун шаҳарга қатнашга тўғри келарди. Ҳозир шинам, тоза, замонавий техника билан жиҳозланган корхонамизни кўриб, ўзимни бошқа муҳитга тушгандай ҳис қиламан. Лойиҳа қиймати 66 миллиард сўм бўлган корхонада дастлаб 500 нафар аёл фаолият кўрсата бошлади. Лойиҳа якунида қўшимча минг нафар ходимнинг бандлиги таъминланиши режалаштирилган. Бу ташаббуслар сардобаликларнинг ўз орзулари ушалишига кўмаклашди.

## ИЛК МЕҲМОНИМ – ПРЕЗИДЕНТ

Янги иморатлардан 3 зонали уй соҳиби бўлган Бахтиёр Мирзаевнинг қувончи ичига сиймаяпти.

– Шинам уйни техника ва жиҳозлари билан қабул қилиб олганимга бир қувонсам, давлатимиз раҳбарининг хонадонимга келиб, яхши тилаклар билдирганига чандон ва чандон севиняпман, – дейди Бахтиёр Мирзаев. – Инсонни қадрлаш, халқни рози қилиш юртимизда биринчи масала

эканини ўз тақдиримда шохид бўлдим. Ҳеч ким ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Ваъда қилинганидек, ҳаммаси аввалгидан ҳам зиёда билан тўлдирилди. Туман ёшларида шаҳарга интилиш, муносиб шароитлар орзуси кучли эди. Кишлоғимизда қиш мавсуми бошланиши билан ишлар тўхтаб, шароити яхши бўлмаган уйда ўтириб қолар эдик. Кўпчилик вилоят марказига қиш мавсумини ўтказиш учун ижарага чиқиб кетарди. Ичимлик суви, табиий газ хонадонларга кириб бориши ҳақиқий қувонч бўлди. Фақат бу бунёдкорликни асрашимиз, ҳаётимизни ширин қилган ўзгаришларнинг қадрига етишимиз керак. Барчаси учун давлатимиз раҳбарига бутун бир оила билан миннатдорлик билдирдик.

Бу ерда яшовчи ҳар бир кишининг талафот юз берган кун билан боғлиқ ҳикояси бор. Фалокат бошида таҳририятимизга Сардоба тумани, «Кўрғонтепа» МФЙлик Нодира Шербекова мактуб йўллаб, кўнглидаги дардди баён этган эди:

– Рамазон саҳарлигини қилиб, дам олиб тургандик. Турмуш ўртоғим «Туринглар, сув омбори тошиб, оқиб келяпти», деган хабарни келтирди. Паспортиимизни олиш эсимизга келди. Уйдан чиққанамизда маҳалланинг энг чекка кўчаларидаги ҳамқишлоқларимиз кўчаларни тўлдириб, юрак ҳовучлаб югуриб келишарди. Ҳаёлимга ота-онам, укаларим келди. Уларга кўнгироқ қилдим. Билдимки, улар ҳам ҳаракатда экан. Атрофимда кимдир гўдагини қучоқлаган, кимдир кекса онасини етаклаган, яна биров ногирон отасини аравасига солиб кетарди. Бизни турли автоуловларда

Жиззах-Тошкент катта магистрал йўлига олиб боришди. Аввал кексалар, ёш болалар, болали аёллар, ногиронларга ёрдам берилди. Бу ваҳимани, бундай саросимани сира кўрган эмасдим, бошқа кўрмайлик ҳам.

Сардоба сув омборига 4-5 километр яқин бўлган «Кўрғонтепа» маҳалласида яшар эдик. Уйим, жойим бор эди. Ҳадемай улар очилди, ҳовлим чиройли бўлади, деб қувониб ўтиргандим. Тўй ўтказса, уялмайдиган бўлдик, қуда-анда, кўёвимни чиройли қутиб оламиз, дея гўзал ниятлар қилгандим... Афсус, бошимизда шу кунлар ҳам бор экан. Оллоҳга шукрлар бўлсин, юртимизда мард, саховатпеша одамлар жуда кўп экан. Бизни танимаган, кўрмаган бўлса ҳам маънан, ҳам моддий кўмак берган ватандошларимиз бор бўлсин!

Бундай офатлар ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмасин, илоҳим. Бугун ораста кўчаларимиз, янги таъмирдан чиққан хонадонимизни кўриб, кўрган қийинчиликларим эсимдан чиқди.

Бир ёмонлиқнинг бир яхшилиги бўлади, деганларича бор экан. Яхшилигики, янги шаҳар, янги туман, янги маҳалла, янги обод қишлоқ, янги кўча-ю уйлар юзага келди. Ҳар бир ютуқ замирида чин дилдан қилинган меҳнат, шу билан бирга, давлат ва кудратли халқимиз ҳамжиҳатлиги муржасам.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»



Фарғона вилояти



# ЮЗАКИ ЁНДАШУВ ОҚИБАТЛАРИ

## ёхуд тадбиркорларнинг сарсонгарчилиги қачон тугайди?

Лекин орадан кўп вақт ўтмай корхона қутилмаган муаммага дуч келган. Маълум бўлишча, мазкур ҳудуддаги 100 гектар ер майдони 2010 йилда «ARKONI SULEYMON PLUS» фермер хўжалигига боғдорчилик мақсадида ажратилиб берилган. Аммо фермер хўжалиги Ер кодексининг 28-, 31-,33-, 35-моддаларини кўпол равишда бузиб, ерга бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказмаган, шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни умуман тўламаган. Аниқроқ айтганда, фермер хўжалиги раҳбари Я.Сулаймонов узоқ вақт мобайнида бу ер майдонидан мақсадсиз фойдаланиб, боғ яратиш ўрнига ернинг бир қисмида қовун-тарвуз етиштириш билан шуғулланиб, даромад олиб келган. Аслида бундай ҳаракатларга Жиноят кодексининг 184 (солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) ва 188-моддаси (ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш)да жиноий жавобгарлик белгиланган. Шундай бўлса-да, биров унинг мушугини «пиш» демаган... Андишанинг отини кўрқоқ қўйган Я.Сулаймонов ҳеч қандай ваколати бўлмаса-да, қуруқ қоғозда номи бор фермер хўжалигининг манфаати бузилганини ваз қилган ҳолда туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг қорхонага 4 гектар ер майдони ажратиш ҳақидаги қарорини бекор қилишни сўраган. Мурожаатга бир томонлама ёндошган туман прокуратураси 2019 йил 30 март куни туман ҳокимлигига

протест киритган. Энг қизиги, протест шу куннинг ўзидаёқ қаноатлантирилган. (Бундай «сирли» тезкорликнинг сабаби нима экан?) Ҳолбуки, Ер кодексининг 24-моддасига (ер участкаси ижараси) асосан ер участкаларини ижарага олиш шартномасини мuddатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилади. Афсуски, Ўзбекистон тумани прокуратураси ушбу қонун талабини назар-писанд этмаган. Бундан норози бўлган қорхона раҳбари М.Ни-

«ASIA SMALL STONE» МЧЖ ҳам худди шундай синовга рўбару бўлди. Ушбу қорхонага Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан 2019 йил 14 июнда Ўзбекистон туманида жойлашган «АБ3-1» ва «АБ3-2» қум-шағал аралашмаси участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган махсус лицензия берилган. Мазкур лицензияга асосан жорий йил 27 январь куни туман ҳокимининг 159-сонли қарори чиқарилиб, қорхонага қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 523-контурдан 9 гектар ер майдони қум-шағал қазиб олиш учун икки йил мuddатга вақтинча фойдаланишга ажратиб берилган. Бироқ қорхона ишлаб чиқаришини йўлга қўя олмади. «ARKONI SULEYMON PLUS» фермер хўжалиги маъмурий ишлар бўйича Фурқат тумани судига мурожаат этиб, туман ҳокимининг қарорини бекор қилишни сўрайди. Суд эса фермер хўжалиги фойдасига қарор чиқарган. Суднинг апелляция инстанциясида ҳам қарор ўзгаришсиз қолдирган.

«Нодиржон Орифжон Агро» фермер хўжалигига ҳам 2019 йилда захирада бўлган қаровсиз ер майдонларидан сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида фойдаланиш учун 10 гектар ер майдони ажратиб берилган. Тадбиркор фермер Вазирилар Маҳмасининг 09.01.2019 йилдаги «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан банкдаги ҳисобрақамга эллик минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини шакллантириб, хориждан умумий қиймати 422 миллион сўмлик замонавий иссиқхона олиб келиб, 20 та доимий ва 40 та мавсумий иш ўрни яратмоқчи бўлиб турганида

«ARKONI SULEYMON PLUS» фермер хўжалиги маъмурий ишлар бўйича Фурқат тумани судига мурожаат этиб, туман ҳокимининг қарорини бекор қилишни сўрайди. Суд даъвогарнинг талабини қаноатлантирган. Бу қарор

ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ШУ ЙИЛ 27 ИЮНДАГИ 1048-СОНЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН «ARKONI SULEYMON PLUS» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИГА АЖРАТИЛГАН ЕР МАЙДОНИ ТУМАН ЗАХИРАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ. АММО АДОЛАТ ТҮЛИҚ ҚАРОР ТОПДИ ДЕЙИШГА ҲАЛИ ЭРТА.

апелляция инстанциясида ҳам ўзгармаган.

Кўриниб турганидек, барча воқеалар бир хил «сценарий» асосида кечган. Бир қарашда «ARKONI SULEYMON PLUS» фермер хўжалиги ҳақ эканки, судлар унинг манфаатларини ҳимоя қилибди» деган фикр тугилиши мумкин. Агар шундай бўлганда, ҳеч қандай шикоят-у эътирозларга ўрин йўқ эди. Аммо...

Аслида «ARKONI SULEYMON PLUS» фермер хўжалиги Ўзбекистон тумани ҳокимининг 26.10.2010 йилдаги 661-сонли қарорига асосан боғдорчилик йўналишида (кейинчалик чорвачиликка ўзгартирилган) фойдаланиш учун 100 гектар ер ажратилган бўлса-да, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ижара шартномаси тузилмаган, ерга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Қолаверса, фермер хўжалиги солиқ ва бошқа

мажбурий тўловларни умуман тўламаган, тегишли ҳисоботларни топширмаган, ер майдонидан мақсадли фойдаланмаган, натижада ернинг асқариат қисми қаровсиз ва ташландиқ аҳолга келган, биронта ҳам иш ўрни яратилмаган. Хуллас, фермер хўжалиги амалда қонуний фаолият юритмаган. Шу сабабли у тугатилаётган хўжаликлар рўйхатига олинган. 2019 йилда эса фермер хўжалигига ажратилган ер майдони захирага қайтариб олинган ва мазкур ҳудуддаги ер майдонлари тадбиркорлик субъектларига ажратиб берилган. Аммо фермер хўжалиги судга мурожаат қилиб, ер майдони ўзига тегишли эканини даъво қилган.


Таъкидлаш жоизки, «ARKONI SULEYMON PLUS» фермер хўжалиги Ер кодексини талабларига мувофиқ низоли ерга бўлган ҳуқуқини ўз вақтида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказмагани, шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламагани оқибатида ушбу ер майдонига нисбатан ҳеч қандай қонуний ҳуқуқга эга бўлмаган. Шунга қарамайдан судлар даъво аризаларини иш юритувга қабул қилган ва энг қизиги, уларни тўлиқ қаноатлантирган. Бўлиб ўтган суд мажлисларида ҳокимият, солиқ, кадастр ва бошқа давлат идоралари вакиллари қайд этилган ҳолатларни тасдиқлаб, исботловчи ҳужжатларни тақдим этишган бўлса-да, суд қоғозда номи бор, амалда ердан ноқонуний фойдаланиб келган фермер хўжалиги манфаатларини инобатга олган ҳолда қарор чиқарган. Ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган шахснинг ҳуқуқларини тахминга асосланган ҳолда ҳимоя қилган судьяларни қонун доирасидан чиқишга нима мажбурлагани жумбоқ. Чунки каттагина ер майдонидан узоқ вақт мобайнида ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиб келган, солиқ ва бошқа мажбурий

тўловларни тўламаган шахснинг манфаатлари давлатга ҳам, одамларга ҳам фойда келтираётган тадбиркордан устун қўйилгани ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, қайд этилган ҳолатлар инobatга олиниб, Ўзбекистон тумани ҳокимининг шу йил 27 июндаги 1048-сонли қарорига асосан «ARKONI SULEYMON PLUS» фермер хўжалигига ажратилган ер майдони туман захирасига қайтарилди. Аммо адолат тўлиқ қарор топди дейишга ҳали эрта. Эндиликда фермер хўжалиги билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва суд қарорларининг ҳуқуқий оқибатларини тадбиркорлар манфаатлари фойдасига ҳал қилиш орқали амалдаги қонунчиликка мослаштириш зарур. Чунки улар ушбу низоли ер майдонларига бўлган ҳуқуқларини қонуний равишда қўлга киритган.

Хуллас, нотўғри чиқарилган суд қарорлари натижасида «Нишонава Жаннатой», «ASIA SMALL STONE» МЧЖ ва «Нодиржон Орифжон Агро» фермер хўжалиги узоқ вақтдан бери сарсон бўлиб келмоқда. Айни пайтда «Нишонава Жаннатой» МЧЖ 70 нафар фуқаро билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ва ўз фаолиятини тўхтатиш арасида. Қолган икки тадбиркорнинг режалари ҳам чиппақга чиқиши мумкин.

**Шу ўринда ҳақли савол тугилади: Судлар томонидан нега қонунга зид равишда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўйилган? Қачон ҳақиқат тўлиқ қарор топиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланади? Суд-ҳуқуқ соҳасида туб ислохотлар амалга ошириляётган, Президентимиз одамлар суддан фақат адолат топиши шартлигини қайта-қайта қатъий таъкидляётган бир паллада баён этилган воқеаларнинг рўй беришини қандай изоҳлаш мумкин? Бунга Бош прокуратура, Олий суд қандай муносабат билдиради?**



Холли НОРБОВЕВ, «ISHONCH»



Тошкент шаҳри

Айни паллада мамлакатимизда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари давлат сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Бандлик

## 500 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси пойтахтнинг барча туманларида хотин-қизлар бандлигини ўрганиб, янги иш ўринларини яратишга мақсадли ва манзилли маблағлар ажратмоқда. Хусусан, Учтепа, Олмасор туманларида фаолият юритаётган 250 иш ўрнига эга «VIZIR COLLECTION» МЧЖга 5 миллиард сўм ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобига қорхонада яна 250 та янги иш ўрни яратилиб, 500 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланади.

Равшан

МАҲАМАДАЛИЕВ,

Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходими



Хоразм вилояти

Хоразм вилояти ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси бошланғич касабаси уюшма қўмитаси ташаббуси билан ёш мутахассисларнинг меҳнат муҳофазасига доир билимларини мустаҳкамлашга қаратилган ўқув-семинар ташкил қилинди.

Анжуманга асосан икки йилдан кам иш стажига эга 62 нафар ходим жалб қилинди. Унда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, монтерларнинг касб маҳоратларини янада ошириш ҳамда ўзини-ўзи асраш кўникмаларини ҳосил қилиш, жамиятда касабаси уюшмаларининг ўрни борасида атрофлича сўз юритилди.

Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимларининг «Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги қонун ҳамда ташкилотларда жамоа шартномаси афзалликлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш ва бу борада жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид маърузалари ёш тингловчиларда катта таассурот қолдирди.



Қорақалпоғистон Республикаси

Жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда теримчилар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шарoитларини яратиш бўйича республика ишчи гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасида ўрганиш ишларини давом эттирмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари-



## Ёшлар меҳнат қонунчилигидан қанчалик хабардор?

Машғулотлар замонавий воситалар, кўргазмалар қуруллар ёрдамида ўтказилгани ёшлар учун айни мuddао бўлди. Электротехника асослари, ўзгарувчан ва ўзгармас ток, авария ва ёнғинга қарши машқлар қайта ўргатилди. Электр энергияси соҳасида содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар таҳлил қилиниб, уларнинг сабаблари, йўл қўйилаётган камчиликлар, бартараф қилиш чоралари ҳақида тавсия билдирилди.

Ёш ходимлар «Хоразм ҳудудий электр тармоқлари» АЖ касабаси уюшмаси фаолияти ҳамда жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзлар билан батафсил таништирилди.

Эркинбой БОЙЖОНОВ,

Хоразм вилояти касабаси уюшма ташкилотлари билишмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси

## МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ҲОЛАТИ МАВЖУД(МИ?)

дан иборат кичик гуруҳлар 14 та туманидаги пахта далаларида бўлди. Теримчилар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаларининг имзолангани, терим пулларининг ўз вақтида бериляётгани ўрганиляпти. Меҳнат шартномаларининг аҳамияти, у фермер хўжалигининг теримчи олдидagi мажбуриятининг ҳуқуқий асоси экани тушунтириляпти. Бундан ташқари, теримчилар учун ис-

сиқ озиқ-овқат ташкиллаштирилгани, келиб кетиши учун транспорт воситалари жалб этилгани ҳам ишчи гуруҳининг диққат марказида.

Теримчилар билан суҳбатда улар ўзлари учун яратилган шарoитлардан хурсанд экани, маданий ҳордиқ чиқариши учун концерт дастурлари ташкил этиляётганини эътироф этмоқда.

Давра суҳбатлари ўткази-

либ, мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши тушунтириляпти. Эътиборлиси, ўрганишлар жараёнида мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланмади.

Абдувоҳид ЙЎЛДОШЕВ,

Авиация ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси, Ишчи гуруҳ аъзоси

Ҳуқуқ

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси газеталарнинг доимий муаллифларидан бири, таниқли ёзувчи **Эврил Турон – Мамадали МАҲМУДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.



Суратда: Қалбике Жиемуратова

Хотира уйғонса, гўзал...

Яқинда мўйноқлик Қал-  
бике Жиемуратова 75  
ёшида вафот этди. У 50  
йил давомида одам-  
лар учун «нажот фа-  
риштаси» мисол хизмат  
қилди. Умрининг сўнгги  
паллаларигача Мўйноқ  
тумани кўп тармоқли  
шифохонаси бош ги-  
некологи вазифасини  
бажарди.

## ЭЛЛИК МИНГ НАФАР ЧАҚАЛОҚ ДОЯСИ

Мўйноқлик Қалбике Жиямуратова  
ҳақиқий мардона қишлоқ аёли эди...

«Қалбике Жиемуратова ярим аср давомида 50 минг нафарга яқин Оролбўйи чақалоқларини дунёга келтирган. У вертолёт ва «АН-2» самолётида Оролбўйи ҳудудининг энг чекка қишлоқларида 500 га яқин чақалоқларни дунёга келтирганини факр-ланиб гапириб берар эди» деб эслайди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ислоҳ Ҳушвақтов ўзининг «Facebook»даги саҳифасида.

Қорақалпоғистонлик журналист Айжамал Жолдасбаеванинг таъкидлашича, Қалбике опа ёшлигиданоқ доя бўлишни ният қилган. Ёшлигидан меҳнатга ўрганган қиз уйда эркак киши қиладиган барча ишни ўзи бажарган. Чунки оилада ўғил фарзанд йўқ эди.

Мактабни тугатгач, тақдир уни 1965 йили синфдошлари билан Самарқанд давлат тиббиёт институтига бошлаб борди. Қорақалпоғистондан борган ўн беш киши ичидан фақат 3 нафаригина ўқишга киришга муяссар бўлди. Уларнинг бири Қалбике эди.

Ўқишни муваффақиятли тугатган Қалбике опа учун доялик осон кечмагани ҳам бор ҳақиқат. Уйқусиз тунлар, инжиқ об-ҳаво, шароити йўқ шифохоналар... Айрим пайтлари иш куни 24 соатдан иборат бўлар эди. Чунки опа икки йил давомида туманда бир ўзи акушер бўлиб ишлаган эди-да.

Кунлардан бир куни ярим тунда опанинг эшиги қаттиқ тақиллади. (Аслида бундай ҳолат жуда кўп бўлган, оила аъзолари ҳам ўрганиб қолган бўлса-да, лекин то Қалбике опа фарзандни онаси қўлига тутқазиб, уйига қайтиб келгунича мижжа қоқмай ўтиришарди). Дарвоза олдида ҳовлиққанча бир киши турарди. Аёли тўлғоқ тутаётганини айтди. Опа дарҳол

кийиниб, катта ўғли билан мотоциклда икки соатлик йўл юриб, чўпонлар яшайдиган Қизил қалъа деган жойга етиб борди. Чиндан ҳам онанинг аҳволи оғир эди. У камқон экан. Бундай касаллик билан фарзанд кўриш ҳалокатли эди. Овулда ҳеч қандай шароит йўқ. На электр чироғи, на тиббиёт асбоблари бор. Начора, Қалбике опа ўша тунда шам ёруғида доялик қилди. Янги қиз меҳмон дунёга келди. Пастга тушиб қараса, чўпон ота хурсандчилигидан катта қўйни мотоциклга юклаб қўйган экан. Аммо опа бундан қаттиқ ранжиди. Бутун ҳаёти давомида холис хизмат қилишга ўрганган опа Яратганга шукроналар айтиб, уйига қайтди.

Қалбике опанинг кундалигида бу каби ҳайратланарли воқеалар кўп эди: автобусда тутилган қизалоқ, бўқоқни енган она ва бола...

Қалбике опа умри давомида 50 минг нафарга яқин чақалоқ учун доялик қилган.

Қорақалпоғистондаги 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган «Ўзбегим аёли — 2020» миллий мукофотида «Довюрак аёл» унвонига сазовор бўлган эди.

15 октябрь санаси 2008 йилда БМТ ташаббуси билан бутун дунёда Халқаро қишлоқ аёллари куни сифатида белгиланган. Шу санада ҳар дам ҳақиқий мардона қишлоқ аёли сифатида Қалбике опанинг сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Унинг фидойиллика йўғрилган заҳматли меҳнатини ёддан чиқариш асло мумкин эмас.



ЕСИМХОН  
ҚАНОАТОВ,  
«ISHONCH»

# Ноширлик маънавий меросми ёки бизнес қуроли?

Ноширлик соҳасидаги оғриқли муаммолар, соҳанинг ачинарли ҳолати ҳеч кимга сир эмас. Умуман олганда, бугунги кунда наشريёт йўналишининг, матбаачилик эътибордан анча четда қолишига лоқайд қараб туриш мумкинми?

Бейхотиёр ажабланасан киши. Ҳатто мустақилликнинг илк йилларидаги қийинчилик даврида ҳам эмин-эркин фаолият юритган ноширлик соҳаси бугун жар ёқасида. Эртага нима бўлади? Эҳтимол, тубсиз жарликка қулар?

Ноширлик ва наشريётлар ҳақида гап кетар экан, юртимиздаги ягона болалар наشريёти бўлган Чўлпон номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи ҳақида тўхталмасликнинг сира иложи йўқ. Унга 1986 йилда «Юлдузча» номи билан асос солинган, 1991 йилдан «Чўлпон» наشريёти, 2004 йилдан Чўлпон номидаги НМИУ сифатида иш юритган. Нурали Қобил, Анвар Обиджон, Аъзам Ўктам, Ҳамза Имомбердиев, Равшан Файзиев, Чори Аваз, Тўлқин Алимов, Раъно Азимова каби фидойи ижодкорларни шакллантирган. Агар маънавиятни кўлга қиёс этадиган бўлсак, Чўлпон номидаги НМИУ унинг беш панжасидан бири эди. 1994 йилда илк бор Қуръони Каримнинг «Мухтасар: шариат қонунларига қисқача шарҳ» деб номланган ўзбекча вариантининг ушбу наشريётда чоп этилганининг ўзидек, унинг савияси нақадар юқори бўлганидан далолат беради. Афсуски, бугунга келиб у тугатилди. Савол туғилади: бозордаги юзлаб янги сунъий бармоқчалар бир бўлиб, бу беш панжанинг ўрнини боса олармикан, ўз савияси ва сифати билан маънавиятнинг забардаст дастасини ташкил эта олармикан?

Чўлпон номидаги НМИУ

ҳам, «Энциклопедия» ДИН ҳам тугатилиб, уларнинг ўрнига янги наشريёт — «Ўзбекистон наشريёти» ДУК ташкил этилди. Аммо дунёга келибоқ, худдики янги туғилган чақалоқни онаси кўчага ташлаб кетгани каби эътиборсиз қолди. Наҳотки, азалдан илм-фанга, адабиётга меҳр-у муҳаббат юксак бўлган юртимизда ноширлик соҳасини қулайтириш, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, муҳаррирларнинг чет элларда малака ошириб келишини таъминлаш ўрнига мавжуд наشريётларнинг ҳам тамом бўлишига томошабин бўлиб қараб турса-версак!?

**Ноширлик ва наشريётлар ҳақида гап кетар экан, юртимиздаги ягона болалар наشريёти бўлган Чўлпон номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи ҳақида тўхталмасликнинг сира иложи йўқ. Унга 1986 йилда «Юлдузча» номи билан асос солинган, 1991 йилдан «Чўлпон» наشريёти, 2004 йилдан Чўлпон номидаги НМИУ сифатида иш юритган. Нурали Қобил, Анвар Обиджон, Аъзам Ўктам, Ҳамза Имомбердиев, Равшан Файзиев, Чори Аваз, Тўлқин Алимов, Раъно Азимова каби фидойи ижодкорларни шакллантирган.**

Келинг, ён-атрофимизга ҳам бир назар ташлайлик. Кўпгина ривожланган мамлакатларда наشريётлар давлат томонидан бевосита ва ёки бевосита қўллаб-қувватланади. Бевосита қўллаб-қувватлашда ёрқин миллий характерга эга бўлган нашр лойи-

ҳаларини чоп этиш ва китоб экспортини рағбатлантиришда давлат субсидияларидан фойдаланилади. Бевосита қўллаб-қувватлаш тизими, Франция, Испания, Италия, Португалия, Жанубий Корея, Бразилия, Канадада мавжуд.

Кўпгина давлатларда бутун нашр тизимига ёки унинг муайян ихтисослиги, масалан, илмий, болалар адабиёти, ўқув нашрларига бевосита ёрдам кўрсатиш амалга оширилади. Булар орасида солиқ соҳасида давлат сиёсати муҳим ўрин тутadi. Бир қатор давлатлар (Аргентина, Янги Зеландия, Норвегия, Швейцария, Жанубий Корея, Буюк Британия, Индонезия,

Кения, Колумбия, Мексикада) китоб махсулотига умуман солиқ солинмайди. Европа давлатларининг кўпчилигида китобга белгиланган даромад солиғи микдори бошқа махсулотларга қараганда жуда паст.

Россияда наشريёт соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳам бевосита, ҳам бевосита амалга оширилади. Бевосита қўллаш Федерал дастурлар асосида илмий, ўқув, илмий-техник, энциклопедик, болалар адабиёти соҳаларига татбиқ этилади. Хар йили ўтказиладиган танлов асосида давлат ёрдами қўлланиладиган нашрлар рўйхати шакллантирилади. Наشريётлар берган аризалар экспертлар комиссияси ва нуфузли ташкилотлар қатнашуви ёрда-



мида ўрганилади.

Хар йили тахминан 1,5 мингдан зиёд номдаги нашр ишлари Федерал дастур асосида амалга оширилади. Масалан, Россияда муайян ўқувчилар доирасига қаратилган давлат наشريётлари ичида «Болалар адабиёти» наشريёти ҳам бор (этибор беринг, давлат наشريёти!). «Россия катта энциклопедияси» (очиқ акциядорлик жамияти; акциянинг 100 фоиз улуши Россия Федерациясига тегишли)га ҳар йили медиамўҳитда ижтимоий муҳим объектларни сақлаб қолиш мақсадида федерал бюджетдан катта миқдорда пул ажратилади. Жорий йилда «Россия катта энциклопедияси»га федерал бюджетдан жами 684 466 600 рубль ажратган.

Мазкур мамлакатларнинг ноширлик соҳасидаги амалиётлари юртимизга ҳам олиб қирсак, эҳтимол бизда ҳам халқаро кўргазмаларда биринчиликти қўлдан бермайдиган сифатли адабиётлар дунёга келар?!

Китоб — маънавият, маънавият эса инсоннинг бешиги. Наҳотки, маънавият ўчоғи бўлган наشريётларни бозор расталарида ерга уриш мумкин бўлса?!

Дилдора АБДУРАИМОВА,  
журналист

18 октябрь — Самарқанд шахри куни



Дунёда эллик мингдан ортиқ йирик шахар мақомини олган гўшалар мавжуд. Аммо улар орасида икки минг йилдан зиёд тарихга эга бўлгани санокли. Кўриниб турибдики, ер юзидаги барча шахарларга Самарқанд оғалик қилиб келмоқда. Кўҳна заминнинг бу қадар буюк маҳобат-у, салобатини сақлаб қолишида халқимизнинг шавкатли фарзандларининг ҳиссалари бемисл. Неча-неча асрлардики, навқирон диёр инсониятнинг вақтлар аро саёҳатида эшик бўлиб келмоқда.

Инсоният умри давомида бир марта бориб кўрмаса бўлмайдиган гўшага талпинаётганлар дунёда жуда кўп. Самарқанд ҳамон меҳмонлар ҳайратини оширишда давом этаётгани ҳам бор ҳақиқат.

— Самарқандда нафақат Хитой, балки Шарқ алломаларидан бири саналган Конфуций шарафига яратилган майдонда беихтиёр кўзларим ёшланди, — деган эди хитойлик сайёҳ Дэн Юн. — Шууриmda инсониятнинг энг буюк моддий ва интеллектуал бойликлари ана шу замин орқали ўтган манзаралари жонланди.

Давлатимиз раҳбари эътибори боис

Самарқанд бугун ҳам бемисл ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Шаҳардаги улкан бунёдкорлик ишлари тарихий меросга уйғунлик касб этган ҳолда амалга оширилмоқда. Шаҳар дарвозалари бўлимиш аэропорт, темир йўл вокзали тубдан қайта қурилди. Айни чоғда аэропортароҳнинг ҳаво кемаларини қабул қилиш қуввати 8 тадан 24 тага етказилди. Таъмирлаш лойиҳаси доирасида аэродромга сунъий қопламалар ётқизилди, учмиш қўниш йўлағи ва 4 йўналиш-рувчи йўл қурилди.

— Аэропортдаги 60 минг АҚШ долларлик таъмирлаш-қуриш ишларида бош

пудратчи Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси ҳисобланади, — дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси раиси Сирождидин Иззатуллаев. — Шу чоққача режалаштирилган ишлар поёнига етказилмоқда. Йўлсозлар меҳнати, ғайрат-шижоати туфайли бу давлат топириғи жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб бера олиш даражасида бунёд этилди.

Қиймати 40 миллион АҚШ долларига тенг янги йўловчи терминалини қуриш ишлари давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида, «Ain Marakanda» масъулияти чекланган жамият кўринишидаги хорижий компаниясига топширилган. Бунёдкорлик ишлари 2021 йил февраль ойида поёнига етказилиши кўзда тутилмоқда.

Туризм Самарқанд иқтисодиётининг етакчи йўналишига айланиб бормоқда. Муайян йиллардан сўнг бу диёр ўзининг туристик жозибаси, салоҳияти билан алоҳида нуфуз касб этишга тадгорлик жараёнлари қизиган кетмоқда. Аммо Самарқанд тарихидаги оғир йиллардан бири шу йил бўлди десак, ҳеч ҳам муболағасиз. Кейинги ярим асрда бу меҳмондўст шаҳарнинг бағри бу қадар хувиллаб қолмаган эди. Коронавирус пандемияси шахар кўчаларида узок йиллар давомида қутилмаган бўлиқни ҳосил қилди. Шитоб билан ривожланаётган туризмнинг ҳам «белини» синдирди. Одамларда Самарқандга бўлган иштиёқни бир муддатга ҳиловлади.

Жорий йилда кўҳна маконга атиги 49 минг 500 нафар сайёҳ ташриф бурди. Ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 277 минг нафар кўп бўлганда. Самарқандга келаётган маҳаллий сайёҳлар сони ўтган йилдагидан тўрт баробарга камайиб кетди.

Аммо давлатимиз раҳбарининг кет-

ма-кет равишда қабул қилган қатор қарор ва фармонлари туризм индустриясига молиявий бўҳронлардан эсон-омон ўтиб олишга имконият яратди. Бу имкониятлар нафақат молиявий таназзулдан қутулиш, балки ривожланиш истиқболини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида давлат имтиёзлари ва кўмағи асосида 24 та туристик лойиҳа ишга туширилди, — дейди Самарқанд вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси қошидаги «Касаба Самарқанд» шўъба корхонаси раҳбари Аббос Ҳазратқулов. — Самарқанд ва Ургут туманларида 143 ўринли 6 та меҳмонхона, 162 ўринли 18 та оилавий меҳмон уйлари қуриб бетиқазилб, иш бошланди. Туризм маршрутини кенгроқ ёйиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш борасида изланылмиш.

Таъкидлаш ўринли, шаҳардаги Орзу Маҳмудов, Ислоҳ Каримов, Алишер Навоий ва Пушкин номидаги кўчалар, Университет хиёбонини туристик масканга айлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилмоқда. Айни чоғда Орзу Маҳмудов номидаги кўчада гастрономик туризм ҳудудини барпо этиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. «Ипак йўли» туризм университетига туташ майдонда «Туризм таълим боғи» барпо этилмоқда. Қисқа қилиб айтганда, Самарқандда «Меҳмонхона туризми», «Тиббиёт туризми», «Хунарамандлик туризми»ни ривожлантиришга етарли асос яратиб бўлинди.

— Нафақат Самарқанд, балки шахар атрофи, ёндош ҳудудлар ҳам тарихдаги ўрни, жуғрофий муҳити билан туризм индустрияси ривожига хизмат қилади, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати Сухроб Рафиқов. — Жорий йилда Самарқанд бикинидаги Конгил қишлоғида «Намунали туризм қишлоғи», «Боғи баланд»

маҳалласида «туризм маҳалласи» ташкил этилди. Бу Самарқандга ташриф бурюрган сайёҳ кўз ўнгига ўтмишимизнинг тўлиқ бўй-басти билан намоён этиш икониин яратди.

Эътироф этиш жоизки, вилоят ҳудудидан ўтган М-37 ва М-39 автомагистрал йўллари бўйида (меҳмонхона, кемпинг ва бошқа) объектларни бунёд этиш ишлари жадал суръатда. Умумий қиймати 74,4 миллиард сўмлик мазкур лойиҳаларнинг ишга туширилиши 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилишига асос бўлади.

— Ургут туманининг Омонқўтон қишлоғида жойлашган «Дўстлик» оромгоҳида ҳам туризм йўналиши пойдевори қўйилмоқда, — дейди Аграроноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ургут тумани кенгаши раиси Шухрат Набиев. — Бу масканда «Zamin — travel» МЧЖ 2022 йил якунигача 2 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган мидорда инвестиция қилириб, спорт-соғломлаштириш мажмуаларига эга 100 ўринли оромгоҳ, 75 ўринли 20 та кемпинг, «уч юлдузли» хизматлар сифатига эга 100 ўринли меҳмонхона қурилишини бошлаш арафасида.

Самарқанд туманидаги «Янги жой» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига эса «Оқбўйра гарден» дам олиш масканини ташкил этилмоқда. Бу ерда 20 та ёғзи, 20 та қишик дам олиш уйлари, бассейн, умумий овқатланиш марказлари қурилади. Туристларга тоққа сайр қилишга шароит яратилмоқда.

Хуллас, кўҳна макон жозибаси, кўрк-у тароватини оширишнинг барча чоралари қурилатир. Бу эса келгусида туризм соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшажак.



НУРИЛЛА ШАМСМЕВ,  
«ISHONCH»

МУАССИС:



2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
116-рақам билан  
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва  
«Ishonch-Доверие»  
газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ  
(таҳрир ҳайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Ноҳира КАРИМОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,  
(Бош муҳаррирнинг  
биринчи ўринбосари),

Темур МАМАХОНОВ,  
(Бош муҳаррир ўринбосари —  
«Ishonch-Доверие» бўлиқи),

Меҳридин ШУКУРОВ,  
(Масъул котиб — «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК  
(Масъул котиб —  
«Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир  
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари ҳаёти —  
(71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт —  
(71) 256-52-89  
Миллий-маънавий  
кадриятлар ва спорт —  
(71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар  
билан ишлаш —  
(71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна —  
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг фармон  
ва қарорлари, энг сўнгги  
янгиликлар, таҳлилий,  
танқидий мақолалар,  
хабарларнинг тўлиқ матни  
билан танишингиз  
мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон  
Республикаси — (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти — (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31  
Жиззах вилояти — (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти — (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти — (+998-99) 889-90-28  
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти — (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти — (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти — (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти — (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти — (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган  
маълумотларда манба сифатида  
газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри  
таҳририят нуктаи назаридан  
фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:  
Х.Норбоев

Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдужаллилов

Босишга топшириш вақти — 00:30  
Топширилди — 01:30

Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буюртма Ғ — 1017.  
27830 нускада босилди.  
Нашр қўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: 1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба  
ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» наشريёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:  
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130